

Тарихий ўлкашунослик ва туризм курсининг илмий — назарий ва педагогик асослари

“Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳудудида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган 4 мингдан зиёд моддий — маънавий обида мавжуд. Ана шундай бой маънавий меросимизнинг моҳияти ва аҳамиятини ёшларимиз онгига теран сингдириш матбуотимизнинг долзарб вазифасидир”¹.

Ислом Каримов.

Талабаларда ўлкашунослик ва туризмга бўлган қизиқишлар таълимнинг узлуксизлигини энг муҳим талабларидан бўлиб, бу жараён ҳар доим дарс ва синфдан (мактабдан) ташқарида олиб бориладиган таълимий ва тарбиявий жараённинг ажралмас қисми бўлмоқи керак. Бу масала, аynиқса, мамлакатимизда бўлажак ўқитувчиларни тайёрлайдиган педагогика олий ўқув юртларининг ижтимоий — гуманитар факультетлари талабалари билан олиб бориладиган ҳар қандай таълимий — тарбиявий жараёнда педагогнинг диққат марказида бўлиши лозим.

Шундай қилиб, “Тарихий ўлкашунослик ва туризм” курси олдига қўйиладиган асосий илмий — назарий, методик ва педагогик вазифалар нималардан иборат:

Биринчидан, талабаларда умумтаълим мактаблари ва ЎМКХТ системасида тарихий ўлкашунослик ва туризмнинг моҳиятини ҳар томонлама чуқур тушуниб олишларига эришишнинг илмий — назарий, методик, педагогик ва дидактик асосларини фаол шакллантириб бориш;

¹ Ислом Каримов, Энг асосий мезон ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2009 йил, 21 бет.

Иккинчидан, талабаларда умумтаълим мактаблари ва ЎМКХТ системасида “Тарихий ўлкашунослик ва туризм”ни ташкил этиш ва бошқариш бўйича мустақил тадқиқот ишларини ташкил этиш ва бошқариш, (масалан, “Ёш ўлкашунослар”, “Ёш туристлар” тўғаракларини ташкил этиш ва бошқариш, туристик саёҳатлар маршрутларини ҳар томонлама таълимий ва тарбиявий жиҳатдан асослаган ҳолда ишлаб чиқиб, ташкил этиш ва бошқариш усуллари ва ҳ.к.) ўтказилган тадбирларнинг таълимий – тарбиявий аҳамиятига бағишланган ҳисобот конференцияларини уюштириб, тарихий ўлкашунослик ва туризм борасидаги педагогик фаолиятнинг биринчи босқичдаги яқунлари ва бу жараёни келажакда янада такомиллаштириш режаларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқмоқни таъқозо этади.

Учинчидан, “Тарихий экскурсия ва туризм” бўйича экспедицияни ташкил этиш ва бошқариш учун қидирув (поисковой) ишлари тадқиқотчиларини ва шу масалага бағишланган конференцияларини тайёрлаш, мактаб ва ЎМКХТ системасида ўлкашунослик бурчаклари, музейларини очиш.

Тарихий ўлкашунослик ва туризм курсини давр талаби даражасида ўқитиш жараёнида юқорида қайд этилган илмий – назарий талабларга асосланган назарий ва амалий машғулотлар, талабаларда миллий ўзлигини англаш, ота – боболаримиздан қолган тарихий меросларимизни асраш ва ардоқлаш, миллий қурур ва ватанпарварлик ҳис туйқуларини шаклланишида катта таълимий ва тарбиявий аҳамият касб этади.

Ҳозирги даврда “Тарихий ўлкашунослик ва туризм”ни илмий назарий ва амалий жиҳатдан ташкил этиш ва бошқариш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Масалан, Президент Ислам Каримовнинг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган “Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” ги

Қарори, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 34 – сессияси Қарорига кўра, мазкур халқаро ташкилот Тошкент шаҳрининг юбилейи билан боғлиқ барча тадбирларда фаол иштирок этди. Жумладан 2009 йил 9 апрел куни Франциянинг маркази Париж шаҳрида ҳам Ўзбекистон Республикасининг Париж шаҳридаги ваколатхонасида ЮНЕСКО нинг фаол иштирокида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига, шунингдек Соҳибқирон Амир Темурнинг туғилган кунига бағишлаб катта анжуман ўтказилди. Анжуманда иштирок этган кўпгина меҳмонлар “Шарқ дарвозаси”, “Буюк ипак йўли” нинг маркази деб номланаётган Тошкент шаҳри ва Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Кеш, Хоразм шаҳарларидаги қадимий тарихий обидалардан тортиб, мустақиллик йилларида капитал таъмирланиб янги мазмун касб этган қатор архитектура ёдгорликларимиз жаҳон туристларини ўзига фаол жалб этаётганликларини билдирдилар.

Дарҳақиқат, Тошкент ўзининг олис ва бой тарихи давомида бошидан қанчадан – қанча синов ва машаққатларни ўтказган. Не – не буюк воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Доимо улкан сиёсий, иқтисодий, маънавий мавқеини сақлаб турган ва шу боис турли даврларда турлича улуғланган. Тошкентнинг “Тинчлик шаҳри”, “Дўстлик шаҳри”, “Жасорат шаҳри”, “Нон шаҳри”, “Боқ – роқлар шаҳри”, “Шарқ дарвозаси” сифатидаги шуҳрати машриқу мағрибга ёйилган.

2007 йили бу таърифлар қаторига “Тошкент – ислом маданияти пойтахти” деган юксак ном қўйилгани жаҳон ҳамжамиятининг Тошкент шаҳрига чуқур эҳтиромини яна бир амалий ифодаси бўлди.

Президент Ислом Каримов томонидан 2007 йил 20 февралда қабул қилинган “Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб – қувватлаш тўғрисида” ги Қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуасида жуда қисқа муддатда қоят катта бунёдкорлик, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида бу ерда Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи, Тиллашайх масжиди, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг биноси ва Қатор бошқа ноёб, бетакрор архитектура ёдгорликлари қайта таъмирланди.

Хорижий саёҳатчилар Тошкент шаҳрига ташриф буюрар эканлар албатта Кўкалдош ва Абдулқосим мадрасаларида, Шайх Зайниддин ва Шайх Хованди Тоҳур, Қўйлиқ ота ва Зангиота меъморий обидаларини, шунингдек Хожа Аламбардор мақбараси, Юнусхон хонақоҳи каби нодир меъморий ёдгорликларимизни завқ билан зиёрат қиладилар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейинги йилларда шўролар даврида фақатгина Марказ кўрсатмалари асосида олиб бориладиган тарихий ўлкашунослик ва туристик маршрутлар тизими миллий маънавиятимиз — енгилмас куч сифатида янги мазмун ва маъно касб этди. Президент Ислом Каримов алоҳида қайд этганидек, “Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий — маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилди”².

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов саъй — ҳаракатлари билан мамлакатимизда туризмни давр талаблари даражасида ривожлантириш ишлари олиб борилмоқда. “Туризм содда қилиб айтганда дунёни тушуниб, дунёни англаш, шу билан бирга дунё сахнига чиқиш демакдир. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимизнинг 2500 — 3000 йиллик тарихи бор. Бу жуда катта маънавий бойлик. Уни сайёҳликни ривожлантириш йўли билан моддий бойликка айлантириш мумкин”³.

Ўзбекистон ҳукуматининг 1992 йил 27 июлдаги Фармони асосида мамлакатда туризм соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириб бориш соҳасида фаолият олиб борадиган “Ўзбектуризм” компанияси таъсис этилди. Жаҳон Туризм Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1993 йилда

² Ислом Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. Тошкент- “Маънавият” 2008 йил, 30 бет.

³ Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлида. “Ўзбекистон” 1996 йил.

Индонезиянинг Бали шаҳрида бўлиб ўтган X сессиясида "Ўзбектуризм" Миллий Компанияси бу нуфузли ташкилотнинг тўла ҳуқуқли аъзоси этиб қабул қилинди.

Халқаро ва "Ўзбектуризм" Миллий Компанияси экспертларининг 2005 йилда берган маълумотларида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш имкониятларидан фойдаланиш фақатгина 12–15 фоизни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, Бутунжаҳон туристик ташкилоти маълумотларига кўра бугунги кунда жаҳон яппи миллий маҳсулотининг 11%, инвестицияларнинг 10%, жаҳон истеъмол харажатларининг 11%, солиқ тушумларининг 5% и туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келади⁴.

Стратегик маълумотларга қараганда 2002–2004 йиллар давомида Европа ва умуман Америка халқаро туризм бўйича туристик ташрифларнинг 80% ни 78% маблақ тушумлари улар улушига тўғри келган.

«Финансў и статистика» ахборотномасининг 2000 йилдаги маълумотларига кўра XX аср охиридан ҳозирги кунга қадар туризм соҳасига киритилган инвестицияларнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 30% ни ташкил этади. Ҳозирги вақтда ҳар 16 иш ўрнидан бири туризм тармоғи зиммасига тўғри келади. Жаҳон экспортида эса туризм нефть ва нефт маҳсулотлари ва автомобиллар экспортидан сўнг учинчи ўринни эгаллайди.

"Ўзбектуризм" фаолияти хусусида фикр юритар эканмиз, Жаҳон Туризм Ташкилотининг Осиё мамлакатлари бўйича Минтақавий вакили Хариш Варман шундай деди: "Тошкент ва умуман Ўзбекистон менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон ва унинг қадимий шаҳарлари туризмни ривожлантириш учун улкан имкониятларга эга эканлиги кўзга ташланади. Халқнинг бой маданияти, кўп асрлик тарихи, археологик объектлар, архитектура ёдгорликлари, жозибали табиат ва энг муҳими илиқ, дўстона меҳмоннавоз муҳит кишини лол

⁴ Е.П.Пузакова, Международный туристический бизнес. Москва, Издательство «ПРИОР», 2001, стр. 3.

Ўолдиради. Буларнинг бари сайёҳларнинг бу ёшга келиши учун яхши асос"⁵.

Жаҳон даврий матбуот материалларини кузатар эканмиз, хорижий мамлакатларда Ўзбекистонни сайёҳлик салоҳиятига Ўйзиёиши кундан кунга ортиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ва Италия республикасида Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида сайёҳлик салоҳияти ҳар томонлама ўсиб бораётганлиги жаҳон миёёсида туризмни янги босқичга кўтаришимизда ўз ўрнига эга бўлиб бораётганлигини атрофлича талқин этганлигини кўрамиз. Масалан 2009 йилнинг 26 апрелида Арабистоннинг Ар – Риёд шаҳри савдо – саноат палатаси томонидан Ўзбекистоннинг Саудия Арабистони подшолигидаги элчихонаси кўмагида ташкил этилган тадбирда подшоликнинг расмий ва ишбилармон доиралари вакиллари, бир қатор йирик сайёҳлик фирмалар ва компаниялар бошлиқлари, оммавий ахборот воситалари, Подшоҳ Сауд номидаги университетнинг туризм факультети раҳбарлари иштирок этишди.

Саудия Арабистонининг туризм бўйича савдо саноат палатаси миллий қўмита раҳбари Файсал ал – Мублақ тақдимот маросимини очар экан, бундай тадбирлар Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланишида катта аҳамиятга эга эканлигини ҳамда Ўзбекистон халқининг бой тарихи ва маданияти, унинг мустақиллик даврида эришган ютуқлари, туризм соҳасини ривожлантириш истиқболлари билан танишишга катта имкониятлар яратишини таъкидлаб ўтди.

Тадбир давомида иштирокчилар Ўзбекистон туризм соҳасининг ҳозирги аҳволи, унинг инфратузилмалари, мамлакат ҳукумати томонидан туризмни ривожлантиришга қулай шароит яратиш ва бу соҳада хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш

⁵ Аҳмедов Э. “Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида”. Абу Али ибн Сино. 2002. 85-86 бетлар.

борасида амалга оширилаётган тадбирлар билан яқиндан танишишга муваффақ бўлдилар.

Тақдимотда Подшоҳ Сауд номидаги университетнинг туризм ва археология факультети профессори, доктор Хишам Умар “Буюк ипак йўли” марваридлари сифатида машҳур бўлган Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарлари нафақат ўзбек халқининг бойлиги ва фахри, балки ислом маданияти марказининг бебаҳо қисми ҳисобланишини таъкидлади.

Ар – Риёд шаҳри савдо – саноат палатасининг туризм бўйича бошқармаси бошлиқи Хусайн ал – Мушитнинг фикрига кўра “Ўзбекистон нафақат меъморий ва маданий қадриятлари билан, балки ўз халқининг сайёҳларда унутилмас таассурот қолдирадиган анъаналари билан ҳам бойдир. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари ва диққатга сазовор жойлари шубҳасиз форс кўрфазида жойлашган араб мамлакатлари сайёҳларида қизиқиш уйғотади”⁶.

2009 йилнинг апрелида Ўзбекистоннинг Италиядаги элчихонасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган “Туризм – мамлакатнинг барқарор ривожланиш омили” мавзуида тақдимот ўтказилди.

Тақдимот қатнашчиларига Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, туризмнинг устувор йўналишлари, халқимизнинг бой маънавий ва маданий мероси, бетакрор тарихий қадимжолари, юртимизнинг жўррофий, табиий ва иқлим шароитлари тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

Шуни алоҳида қайд этмоқ лозимки, ўлкашунослик ҳам ўқувчида, ҳам ўқитувчида масалага жиддий ёндошган ҳолда тадқиқот характеридаги илмий педагогик фаолитяларини шаклланиши ва ривожланишда ўқитувчилар ташаббускорликларига янада ижобий таъсир этади.

⁶ “Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил 1 май, 87 сон (4750).

Дарҳақиқат, мактаб биринчи галда, ўқувчиларда Президент Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарининг мазмун — моҳияти билан чуқур танишиб чиқар эканмиз, унда илмий — амалий жиҳатдан атрофлича асослаб баён этилган фикрлар аниқроқ тамоийилга асосланган режаларни мамлакатимиз шароитида амалга ошириш, шубҳасиз Ўзбекистонимизда тарихий ўлкашунослик ва сайёҳшуносликни ривожлантириш учун янада қулай шарт — шароитларни яратиб берилишига катта имкониятлар серияси мавжуд бўлишини кўрамиз.

Президент Ислом Каримов таъбирича “Транспорт инфратузилмасини, биринчи навбатда автомобиль ва темир йўлларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2009 йилда янада ишончли транспорт хизматини кўрсатиш учун қабул қилинган қўшимча чора — тадбирлар билан бир қаторда халқаро аҳамиятга молик умумий фойдаланишда бўлган 400 километрдан ортиқ автомобиль йўлини модернизация қилиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, — Денов — Бухоро — Самарқанд — Тошкент — Андижон йўналиши бўйича 4 қаторли халқаро автомобиль йўлини, шунингдек, Бухоро — Олот ва Самарқанд — Қузор йўлларининг стратегик участка — ларини қуриш мўлжалланмоқда. Шу билан бирга, маҳаллий бюджетлар ва Республика йўл жамқармаси маблақлари ҳисобидан маҳаллий аҳамиятга молик йўлларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш кўламини кенгайтириш вазифаси қўйилмоқда”⁷.

Шу нарса сир эмаски, мамлакатимизда биринчи галда автомобиль ва темир йўлларни ривожлантириб, чет эл сайёҳлари учун йўл ҳаракатида қулай шароитларни яратиб бериши, ўз навбатида жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф

⁷ Ислом Каримов, “Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент, “Ўзбекистон” 2009 йил, 50 51 бетлар.

этиш йўлларидан бири эканлигини жаҳон сайёҳлик тажрибаси яшасан ол
кўрсатиб турибди.

Эшқобил Холиқов,
Тарих фанлари доктори, профессор.
Турқун хожи Тошпўлатов,
Педагогика фанлари номзоди, доцент.